# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН СУБСИДИЯ АЖРАТИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

2020 — 2022 йилларда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо бўлган балиқчилик хўжаликлари томонидан интенсив усулда етиштирилган балиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган наслдор она балиқлар учун давлат томонидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

2020 — 2022 йилларда «Паррандасаноат» уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари томонидан импорт қилинган бир кунлик наслдор жўжалар учун субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг намунавий таркиби 4-иловага;

Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар комиссияси таркиби 5-иловага мувофиқ;

Наслчилик хўжаликларида етиштириб сотиладиган ва импорт қилинадиган наслдор қорамол ҳамда қўйлар (эчкилар) бош сони прогноз кўрсаткичлари 6-иловага мувофиқ;

«Паррандасаноат» уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари томонидан 2020 йилда паррандаларнинг ота-она галасини шакллантириш учун импорт қилинадиган бир кунлик наслдор жўжалар бош сони прогноз кўрсаткичлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 12 май,
280-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарорига
1-ИЛОВА

## 2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисида

## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом 2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

субсидия — республикадаги наслчилик хўжаликларида етиштириб сотилган наслдор қорамол учун ҳамда хорижий давлатлардан наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни импорт қилишда харажатлар ўрнини қисман қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган пул маблағи;

чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик — наслчилик иши билан шуғулланувчи ташкилотлар;

наслдор қорамол — келиб чиқиши ҳужжатлар (наслдор қорамол гувоҳномаси) билан тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳайвон;

наслдор қўй ва эчки — келиб чиқиши ҳужжатлар (наслдор қўй ва эчки гувоҳномаси) билан тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳайвон;

импорт қилувчи — наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни четдан олиб кирувчи ташкилотлар;

субсидия олувчилар — ушбу Низом билан белгиланган тартибда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олиб, республика ҳудудида парваришлайдиган чорвачилик ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликлари.

3. Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қуйидаги миқдорда субсидия ажратилади:

республикадаги наслчилик хўжаликларида етиштириб сотилган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 1 миллион сўм;

хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 2 миллион сўм, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўм.

## 2-боб. Субсидия олувчилар рўйхатини шакллантириш тартиби

4. Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари (кейинги ўринларда — туман комиссияси) календарь йилининг 1 майига қадар ушбу Низомга 1 ва 1.1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича келгуси йил учун субсидия олувчилар рўйхатини шакллантиради ҳамда тасдиқлаган ҳолда, Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар комиссиялари (кейинги ўринларда — вилоят комиссияси) киритади.

Бунда субсидия бериш:

республикадаги наслчилик хўжаликларида етиштириб сотилган, лекин календарь йилининг 1 январь ҳолатидаги мавжуд сигирлар бош сонининг 20 фоизидан ошмаган қисмига;

юридик шахслар томонидан хорижий давлатлардан импорт қилинадиган наслдор қорамолларга кўпи билан 200 бошигача ва наслдор қўй ва эчкиларнинг 500 бошигача қисмига татбиқ этилади.

5. Вилоят комиссияси календарь йилининг 5 майига қадар субсидия олувчилар рўйхатини умумлаштириб, ушбу Низомга 1.2 ва 1.3-иловаларга мувофиқ шакл бўйича тасдиқлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) тақдим этади.

6. Агентлик вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган рўйхатни улар тақдим этган пайтдан бошлаб беш иш кунида ушбу Низомга 1.4 ва 1.5-иловаларга мувофиқ шакл бўйича умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

7. Вазирлар Маҳкамаси Агентлик томонидан тақдим этилган рўйхатни уч иш кунида белгиланган тартибда кўриб чиқиб тасдиқлайди ҳамда ижро учун Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлигига юборади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия олувчиларга субсидия ажратиш учун зарур маблағларни ҳисобга олади.

9. Агентлик субсидия ажратиш бўйича туман комиссияси томонидан шакллантирилган рўйхатга йил давомида ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши мумкин.

## 3-боб. Субсидия олувчиларга қўйиладиган талаблар

10. Импорт қилинадиган наслдор қорамоллар қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

гўшт ва сут йўналишидаги хўжаликларда — наслдор қорамолларнинг бўғозлик муддати 6 ойгача бўлган, тирик вазни 450 килограммдан кам

бўлмаслиги ва туғиш вақтида кутилаётган ёши 30 ойдан кўп бўлмаслиги, ҳомиланинг отаси тўғрисидаги қўшимча маълумотлар мавжуд бўлиши;

наслдор қорамолларнинг зоти Ўзбекистон Республикасида урчитиладиган қорамол зотларига мос бўлиши.

11. Наслчилик хўжаликларида етиштирилган наслдор қорамоллар қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

ёши кўпи билан 18 ойгача, лекин 10 ойликдан кам бўлмаган зотдор урғочи ёш қорамол бўлиши;

зоти Ўзбекистон Республикасида урчитиладиган қорамол зотларига мос ва соф зотли бўлиши.

12. Импорт қилинадиган наслдор қўй ва эчкилар қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

тана тузилиши — мустаҳкам конституцияли;

наслдор қўй ва эчкилар ёши 6 — 18 ойлик бўлиши;

Ўзбекистон Республикасида урчитиладиган зотларга мос келиши.

13. Субсидия олувчилар наслдор қорамол, қўй ва эчкилардан камида 2 авлод олгунгача сақлаш зарур.

14. Субсидия олувчи наслдор қорамол, қўй ва эчкидан биринчи ва иккинчи маротаба бузоқ, қўзи, улоқ олинган кунда туман комиссиясига мурожаат қилади. Туман комиссияси ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда 2 нусхада далолатнома тузади. Далолатноманинг бир нусхаси туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида 5 йилгача сақланади ва иккинчи нусхаси субсидия олувчига берилади.

## 4-боб. Субсидия ажратиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

15. Субсидия олувчи хорижий давлатдан наслдор қорамолни олиб келгандан ёки наслчилик хўжалигида етиштирилган наслдор қорамолни сотгандан сўнг туман комиссиясига субсидия олиш учун ушбу Низомнинг 3-бобида қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

наслдор қорамол, қўй ва эчкининг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

наслдор қорамол, қўй ва эчкининг идентификация базасига киритилганлиги тўғрисида маълумот;

наслдор қорамол, қўй ва эчкини сотиб олиш юзасидан тузилган олди-сотди шартномаси ва тўлов топшириқномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси (импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчки учун);

Тақдим этилган ҳужжатлар туман комиссияси котиби томонидан қабул қилинади ҳамда қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ариза нусхаси субсидия олувчига қайтарилади. Субсидия олувчиларнинг аризалари тикилган ва муҳрланган журналга туман комиссияси котиби томонидан қайд этиб борилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ ва хаққонийлиги учун субсидия олувчилар жавобгар ҳисобланади.

16. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар сотиб олувчи томонидан туман комиссиясига бевосита тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 15-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаса, ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

17. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар туман комиссиясига субсидия олувчи томонидан почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 15-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, туман комиссияси уч иш куни мобайнида субсидия олувчига ҳужжатларни тегишли жавоб хати билан қайтаради.

18. Субсидия олувчининг аризаси ушбу Низомнинг 15-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганда туман комиссияси томонидан уч иш кунида кўриб чиқилади.

Туман комиссияси аризани кўриб чиқиб ушбу Низомга 3-иловадаги шаклга мувофиқ уч нусхада субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилади.

Туман комиссияси субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилган куни бу ҳақида субсидия олувчини хабардор қилади.

Агарда субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинган тақдирда, субсидия олувчи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, субсидия олиш учун туман комиссиясига ариза билан қайта мурожаат қилса, аризалар туман комиссияси томонидан уч иш кунида кўриб чиқилади.

Субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинганда, хулосанинг биринчи нусхаси мурожаат эгасида ва иккинчи нусхаси туман комиссиясида сақланади.

Субсидия ажратиш тўғрисида хулоса қабул қилинганда хулосанинг бир нусхаси мурожаат эгасида, иккинчи нусхаси туман комиссиясида ва учинчи нусхаси Агентликда сақланади.

19. Туман комиссияси субсидия олувчилар томонидан тақдим этилган ариза нусхасини унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия бериш тўғрисидаги хулосани бир иш кунида вилоят комиссиясига юборади.

20. Вилоят комиссияси туман комиссияси томонидан тақдим этилган субсидия олувчининг ҳужжатларини кўриб чиқади ва субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ариза нусхасини унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия бериш тўғрисидаги хулосани икки иш кунида Агентликка юборади.

21. Субсидия олувчининг аризасини кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

22. Субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

қорамол, қўй ва эчкилар ушбу Низомнинг 10, 11 ва 12-бандлари талабларига мос келмаса;

субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда туман комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

Ушбу бандда қайд этилганидан ташқари бошқа ҳолатларда, субсидия олувчига субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

23. Субсидия олувчи субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

24. Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш ушбу Низомга 4-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

## 5-боб. Субсидияни ажратиш тартиби

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг субсидия ажратиш учун зарур маблағларни белгиланган тартибда Агентликка ўтказиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби Агентликда очиладиган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

26. Агентлик, вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва икки иш кунида субсидия олувчиларнинг тижорат банкларидаги асосий ҳисобварағларига субсидия маблағларини ўтказиб беради.

Бунда молия йили якуни бўйича Агентликнинг шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

27. Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштириб сотган наслчилик хўжаликларига ушбу қарор доирасида субсидия бир марта ажратилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

28. Субсидия бериш бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади

Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, суд тартибида ҳал қилинади

29. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ажратилган субсидиялардан мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилади.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
_______________туман (шаҳар)
комиссияси раиси
20__ й «_____» _________________

**____________ туманида 20__ йилда наслдор қорамоллар учун субсидия бериш прогнози**

| Т/р | Наслчилик хўжалигидан сотиб олинадиган наслдор қорамол учун субсидия бериш прогнози | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Наслдор қорамол етказиб берувчи наслчилик хўжалиги номи** | **Наслдор қорамол сотиб олувчи хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| | **жами:** | | | | |

| Т/р | Импорт қилинадиган наслдор қорамол учун субсидия бериш прогнози | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Импорт қилувчи ташкилот номи** | **Наслдор қорамол сотиб олувчи хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| | **жами:** | | | | |

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1.1-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
_______________ туман

(шаҳар) комиссияси раиси
20__ й «_____»
________________

**________________ туманида 20__ йилда наслдор қўй ва эчкилар учун субсидия бериш прогнози**

| Т/р | Импорт қилинадиган наслдор қўй ва эчкилар учун субсидия бериш прогнози | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Импорт қилувчи ташкилот номи** | **Наслдор қўй ва эчкиларни сотиб олувчи хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| | **жами:** | | | | |

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1.2-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
______________ вилояти комиссияси раиси
20__ й «_____» __________

**_______________________ вилоятида 20___ йилда наслдор қорамоллар учун субсидия бериш прогнози**

| Т/р | Наслчилик хўжалигидан сотиб олинадиган наслдор қорамол учун субсидия бериш прогнози | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Наслдор қорамол етказиб берувчи наслчилик хўжалиги номи** | **Наслдор қорамол сотиб олувчи хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| **_____________ тумани** | | | | | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| | **жами:** | | | | |

| Т/р | Импорт қилинадиган наслдор қорамол учун субсидия бериш прогнози | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Импорт қилувчи ташкилот номи** | **Наслдор қорамол сотиб олучви хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| **______________ тумани** | | | | | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| | **жами:** | | | | |

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга

1.3-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»

_______________ вилояти комиссияси раиси

20__ й «_____» ___________

**__________________вилоятида 20__ йилда наслдор қўй ва эчкилар учун субсидия бериш прогнози**

| Т/р | Импорт қилинган наслдор қўй ва эчкилар учун | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Импорт қилувчи ташкилот номи** | **Импорт қилинган наслдор қўй ва эчки сотиб олувчи хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| **______________ тумани** | | | | | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| | **жами:** | | | | |

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга

1.4-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»

«Ўзбекчорванасл»

агентлиги
бош директори
______________________________
(Ф.И.О.)
20__ й «_____»
__________________

**Республикада 2021 йилда наслдор қорамоллар учун субсидия бериш**
**ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

| Т/р | Туман номи | Наслчилик хўжалигидан сотиб олинадиган наслдор қорамол учун субсидия бериш прогнози | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Наслдор қорамол етказиб берувчи наслчилик хўжалиги номи** | **Наслдор қорамол сотиб олувчи хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| **______________ вилояти** | | | | | | |
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| | **вилоят жами:** | | | | | |
| | **республика бўйича жами:** | | | | | |
| **Т/р** | **Туман номи** | **Импорт қилинадиган наслдор қорамол учун субсидия бериш прогнози** | | | | |
| | | **Импорт қилувчи ташкилот номи** | **Хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| **______________ вилояти** | | | | | | |
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| | **вилоят жами:** | | | | | |
| | **республика бўйича жами:** | | | | | |

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга

1.5-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
«Ўзбекчорванасл» агентлиги
бош директори
______________________________
(Ф.И.О.)
20__ й «_____» _________________

**Республикада 20__ йилда наслдор қўй ва эчкилар учун субсидия бериш**
**ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

| **Т/р** | **Туман номи** | **Импорт қилинган наслдор қўй ва эчкилар учун** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Импорт қилувчи ташкилот номи** | **Импорт қилинган наслдор қўй ва эчки сотиб олувчи хўжалик номи** | **Зотга мансублиги** | **Бош сони,** *(бош)* | **Субсидия бериш прогнози** *(млн сўм)* |
| **__________________ вилояти** | | | | | | |
| 1. | | | | | | |
| **вилоят жами:** | | | | | | |
| **республика бўйича жами:** | | | | | | |

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича
ўринбосари, комиссия раиси
____________________
(Ф.И.О.)
20__ йил «____» ____________

**ДАЛОЛАТНОМА**

__________ вилояти __________ туманидаги субсидия олувчи «____________» томонидан 2020 йил __ ________даги мурожаатига

асосан комиссия аъзолари томонидан туғилган бузоқ, қўзи, улоқ жойига чиқиб ўрганилди.

| **Т/р** | **Туғилган бузоқ (қўзи, улоқ) инвентар рақами** | **Лақаби** | **Туғилган сана** | **Тирик вазни, кг** | **Зоти** | **Онасининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари** | | | **Ҳомиланинг отасининг онасини маҳсулдорлик кўрсаткичлари** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | **энг юқори лактациясидаги сут микдори, кг** | **сут таркибида, %** | | **энг юқори лактациясидаги сут микдори, кг** | **сут таркибида, %** | |
| | | | | | | | **ёғ** | **оқсил** | | **ёғ** | **оқсил** |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 1. | | | | | | | | | | | |
| | **жами:** | | | | | | | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **Комиссия аъзолари:** | | | |
| | Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи | имзо/ мухр | | Ф. И. О. |
| | Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи | имзо/ мухр | | Ф. И. О. |
| | Туман давлат солиқ инспекцияси вакили | имзо/ мухр | | Ф. И. О. |
| | Туман статистика бўлими вакили | имзо/ мухр | | Ф. И. О. |
| | Туман молия бўлими мудири | имзо/ мухр | | Ф. И. О. |
| | Туман Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи | имзо/ мухр | | Ф. И. О. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси | имзо/ мухр | | Ф. И. О. | |
| | ҳудудий «Чорванасл» маркази туман вакили | имзо/ муҳр | | Ф. И. О. | |

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга

3-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари
бўйича ўринбосари, туман комиссияси раиси

____________________________

(Ф.И.О)

20__ йил «____» ___________

## ХУЛОСА

_________ вилояти _________туманидаги субсидия олишга талабгор «___________»нинг 20__ йил _________даги

мурожаатига ва тақдим этилган ҳужжатларга асосан туман комиссияси томонидан жойига чиқиб ўрганилди ва қуйидагилар аниқланди:

| **Т/р** | **Инвентар рақами** | **Лақаби** | **Ёши, ой** | **Тирик вазни, кг** | **Зотгаман сублиги** | **Буғозлик даври, ой** | **Онасининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари** | | | **Ҳомиланинг отасининг онасини маҳсулдорлик кўрсаткичлари** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **энг юқори лактациядаги сут миқдори, кг** | **сут таркибида, %** | | **энг юқори лактациядаги сут миқдори, кг** | **сут таркибида, %** | |
| | | | | | | | | **Ёғ** | **оқсил** | | **ёғ** | **Оқсил** |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 1 | 11 | 12 | 13 |
| 1. | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

| 2. | жами: | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**ЯКУНИЙ ХУЛОСА:**

________ вилояти ________ туманидаги _____*(ташкилот номи)*_____жами _____________ млн сўм миқдорида субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди.*

________вилояти ________ туманидаги _____*(ташкилот номи)*_____га қўйидагиларга, жумладан _______________________га асосан субсидияажратиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилди.**

** Субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, мақсадга мувофиқ эмас деб топиш тўғрисидаги хатбоши чиқариб ташланади.*

*** Субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, мақсадга мувофиқ деб топиш тўғрисидаги хатбоши чиқариб ташланади ва мақсадга мувофиқ эмас деб топиш тўғрисидаги хатбошига мазкур Низомнинг 22-бандига мувофиқ рад этиш сабаблари тўлиқ кўрсатилади.*

**Комиссия аъзолари:**

| | | |
|---|---|---|
| Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи | имзо/мухр | Ф.И.О. |
| Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи | имзо/мухр | Ф.И.О. |
| Туман давлат солиқ инспекцияси вакили | имзо/мухр | Ф.И.О. |
| Туман статистика бўлими вакили | имзо/мухр | Ф.И.О. |
| Туман молия бўлими мудири | имзо/мухр | Ф.И.О. |
| Туман Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи | имзо/мухр | Ф.И.О. |
| Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси | имзо/мухр | Ф.И.О. |
| ҳудудий «Чорванасл» маркази туман вакили | имзо/мухр | Ф.И.О. |

2020 — 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш**

СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|

**I. Субсидия ажратиш прогноз парметрларини шакллантириш схемаси**

| | | | |
|---|---|---|---|
| I босқич | Туман комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари) | Субсидия олувчилар рўйхати шакллантирилади ва тасдиқланган ҳолда вилоят комиссиясига тақдим этилади. | Календарь йилининг 1 майга қадар |
| II босқич | Вилоят комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар комиссиялари ) | Туман комиссияситомонидан тақдим этилган сусбсидия олувчилар рўйхати умумлаштирилиб Агентликка тақдим этилади. | Календарь йилининг 5 майига қадар |
| III босқич | Агентлик («Ўзбекчорванасл» агентлиги) | Вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган рўйхат умумлаштирилиб, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади. | Беш иш кунида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| IV босқич | Вазирлар Маҳкамаси | Агентлик томонидан тақдим этилган рўйхат кўриб чиқилади, тасдиқланади ва ижро учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлигига ижро учун юборилади. | Уч иш кунида |
| V босқич | Молия вазирлиги | Субсидия ажратиш учун зарур маблағлар белгиланган тартибда Агентликка ўтказиб берилади. | Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланагандан сўнг |

**II. Субсидия олувчиларга субсидия ажратиш схемаси**

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддати** |
|---|---|---|---|
| I босқич | Субсидия олувчи | Хорижий давлатдан наслдор қорамолни олиб келганда ёки наслчилик хўжалигида етиштирилган наслдор қорамолни сотгандан сўнг субсидия олиш учун ушбу низомга мувофиқ белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда туман комиссиясига ариза | Хорижий давлатдан наслдор қорамолни олиб келганда ёки наслчилик хўжалигида етиштирилган наслдор қорамол сотилганда |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | билан мурожаат қилинади. | |
| II босқич | Туман комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари) | Субсидия олувчи томонидан берилган ариза кўриб чиқилади вабелгиланган шаклда уч нусхада субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинади. | Уч иш кунида |
| III босқич | Туман комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари) | Туман комиссияси томонидан субсидия ажратиш тўғрисида хулоса қабул қилинганда субсидия олувчини қабул қилинган хулоса тўғрисида хабардор қилади. | Хулоса қабул қилинган кунда |
| IV босқич | Туман комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар | Субсидия олувчилар томонидан тақдим этилган ариза нусхаси, унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия ажратиш тўғрисида қабул қилинган хулоса вилоят комиссиясига тақдим этилади. | Бир иш кунида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | (шаҳарлар) комиссиялари) | | |
| V босқич | Вилоят комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар комиссиялари ) | Субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ариза нусхаси унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия бериш тўғрисидаги хулосани икки иш кунида Агентликка юборади. | Икки иш кунида |
| VI босқич | Агентлик («Ўзбекчорванасл» агентлиги) | Вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилади ва субсидия маблағлари субсидия олувчиларнинг тижорат банкларидаги асосий ҳисобварағларига ўтказиб берилади. | Икки иш кунида |

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2020 — 2022 йилларда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо бўлган балиқчилик хўжаликлари томонидан интенсив усулда етиштирилган балиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган наслдор она балиқлар учун давлат томонидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом 2020 — 2022 йилларда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо бўлган балиқчилик хўжаликлари (кейинги ўринларда — балиқчилик хўжаликлари) томонидан интенсив усулда етиштирилган балиқ ҳамда

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган наслдор она балиқлар учун давлат томонидан субсидиялар ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

субсидия — республикадаги балиқчилик хўжаликларида интенсив усулда етиштириб сотилган балиқ ва хорижий давлатлардан наслдор она балиқ импорт қилишда харажатлар ўрнини қисман қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган маблағ;

субсидия олувчилар — «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо бўлган интенсив усулда балиқ етиштирувчи ҳамда (ёки) наслдор она балиқларни импорт қилувчи балиқчилик хўжаликлари;

импорт қилувчи — наслдор она балиқларни хорижий давлатлардан олиб келувчи балиқчилик хўжаликлари;

интенсив усулда балиқ етиштириш технологияси — сунъий сув ҳавзалари, кичик сув ҳавзалари, ёпиқ сув айланма тизими ва қафас (садок) мосламаларида интенсив усулда балиқ етиштириш технологияси;

а) интенсив сунъий сув ҳавза технологияси — сунъий сув хавза майдонининг ўлчами 2 гектардан кўп бўлмаган, ўртача чуқурлиги 2 метрдан кам бўлмаган, 1 гектарида 2 — 4 дона сув таркибини кислород билан тўлдирувчи (аэратор) мослама ўрнатилган ва гектаридан 8 тоннадан кам бўлмаган юқори тиғизликда балиқ етиштириш технологияси;

б) интенсив кичик сув ҳавза технологияси — оқар сув ҳавзали қурилмаларда 1 $м^3$ ҳажмдаги сувда 10 кг (карп балиқлари учун 5 кг)дан кам бўлмаган юқори тиғизликда балиқ етиштириш технологияси;

в) интенсив ёпиқ сув айланма тизими технологияси — ёпиқ бино ёки иншоотларда ўрнатилган сув ҳавзасидаги сувни махсус ускуналар (механик, биологик, насос ва оксигенератор) ёрдамида тозалаш ва такрор фойдаланган ҳолда, 1 $м^3$ ҳажмдаги сувда 20 кг-дан кам бўлмаган балиқ етиштириш технологияси;

г) қафас (садок) мосламаларида интенсив балиқ етиштириш технологияси — очиқ сув ҳавзаларида турли ўлчамдаги қафас мосламалари ўрнатилиб, сув ости қисми тўр билан ўралган ва ушбу тўрнинг сув устки қисми махсус мосламага (темир, пластик) маҳкамланган ҳолда 1 $м^3$ ҳажмдаги сувда 10 кг-дан кам бўлмаган балиқ етиштириш технологияси;

наслдор она балиқ — келиб чиқиши ҳужжатлар (наслдор она балиқ гувоҳномаси) билан тасдиқланган, муайян балиқ зоти такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган балиқ зоти (оқ ва чипор дўнгпешона, декоратив балиқлар бундан мустасно).

3. Балиқчилик хўжаликларига давлат томонидан қуйидаги тартибда:

интенсив усулда етиштирилган бир тонна балиқ маҳсулоти учун 1 миллион сўм;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган бир дона наслдор она балиқнинг 3,5 миллион сўмгача бўлган харажатларининг 50 фоиз қисмига субсидия ажратилади.

## 2-боб. Субсидия олувчилар рўйхатини шакллантириш тартиби

4. Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари (кейинги ўринларда — туман комиссияси) календарь йилининг 1 майига қадар ушбу Низомга 1 ва 1.1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича келгуси йил учун субсидия олувчилар рўйхатини шакллантиради ҳамда тасдиқлаган ҳолда Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар комиссияларига (кейинги ўринларда — вилоят комиссияси) киритади.

5. Вилоят комиссияси календарь йилининг 5 майига қадар субсидия олувчилар рўйхатини умумлаштириб, ушбу Низомга 1.2-1.3-иловаларга мувофиқ шакл бўйича тасдиқлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) тақдим этади.

6. Агентлик, вилоятлар комиссиялари томонидан тақдим этилган рўйхатни улар тақдим этган пайтдан бошлаб беш иш кунида ушбу Низомга 1.4-1.5-иловаларга мувофиқ шакл бўйича умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агентлик томонидан тақдим этилган рўйхатни уч иш кунида белгиланган тартибда кўриб чиқиб тасдиқлайди ҳамда ижро учун Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига юборади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия ажратиш учун зарур маблағларни ҳисобга олади.

9. Агентлик туман комиссияси томонидан субсидия ажратиш бўйича шакллантирилган рўйхатга йил давомида ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши мумкин.

## 3-боб. Субсидия олувчиларга қўйиладиган талаблар

10. Субсидия олиш учун интенсив усулдаги технологияда балиқ етиштириш қуйидаги талабларга мос бўлиши лозим:

интенсив сунъий сув ҳавза технологиясидан фойдаланилганда — гектаридан юқори тиғизликда балиқ етиштириш 8 тоннадан кам бўлмаслиги;

интенсив кичик сув ҳавза технологиясидан фойдаланганда — оқар сув ҳавзали қурилмалардаги 1 м$^3$ ҳажмдаги сувда юқори тиғизликда балиқ етиштириш 10 кг (карп балиқлари учун 5 кг)дан кам бўлмаслиги;

интенсив ёпиқ сув айланма тизими технологиясидан фойдаланилганда — ёпиқ бино ёки иншоотларда ўрнатилган сув ҳавза ускуналаридаги 1 м$^3$ ҳажмдаги сувдан юқори тиғизликда балиқ етиштириш 20 кг-дан кам бўлмаслиги;

қафас (садок) мосламаларида интенсив балиқ етиштириш технологясидан фойдаланилганда — очиқ сув ҳавзаларида ўрнатилган қафас (садок) мосламаларда юқори тиғизликда балиқ етиштириш 1 м$^3$ ҳажмдаги сувда 10 кг-дан кам бўлмаслиги.

11. Субсидия олиш учун импорт қилинадиган наслдор она балиқ қуйидаги талабларга мос бўлиши лозим:

наслдор она балқнинг зоти Ўзбекистон Республикаси урчитиладиган балиқ зотига мос бўлиши;

келиб чиқиши ҳужжатлар (наслдор она балиқ гувоҳномаси) билан тасдиқланган, муайян балиқ зотини такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган балиқ зоти (оқ ва чипор дўнгпешона, декоратив балиқлар бундан мустасно).

## 4-боб. Субсидия ажратиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

12. Интенсив усулда балиқ етиштириш орқали субсидия олувчилар туман комиссиясига субсидия олиш учун ушбу Низомнинг 3-бобида қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 февралига қадар ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

ўзига бириктирилган ер майдонида барпо этилган интенсив сув ҳавзасининг кадастр ҳужжатлари нусхаси (қафасда етиштириш бундан мустасно);

қафас сони, унинг ўлчамлари ва жойлашган сув ҳавзаси бўйича маълумот;

ҳудудий статистика бошқармаларининг ҳисобот йилида етиштирган балиқ ҳажми бўйича тасдиқланган маълумоти;

балиқ сотилиши бўйича ҳисоб-фактуралар нусхалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ ва хаққонийлиги учун субсидия олувчилар шахсан жавобгар ҳисобланади.

13. Хориждан наслдор она балиқларни олиб келувчи балиқчилик хўжаликлари туман комиссиясига субсидия олиш учун ушбу Низомнинг 3-бобида қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, хориждан она балиқ олиб келгандан сўнг ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

она балиқларнинг наслдорлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки сертификати нусхаси;

наслдор она балиқларни олиб келиш бўйича импорт шартномаси, ҳисоб-фактура ҳужжатлари нусхаси;

импорт қилинганлиги тўғрисида божхона юк декларацияси нусхаси.

14. Тақдим этилган ҳужжатлар туман комиссияси котиби томонидан қабул қилинади ҳамда қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ариза нусхаси субсидия олувчига қайтарилади. Субсидия олувчиларнинг аризалари тикилган ва муҳрланган журналга туман комиссияси котиби томонидан қайд этиб борилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ ва хаққонийлиги учун субсидия олувчилар шахсан жавобгар ҳисобланади.

15. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар субсидия олувчи томонидан туман комиссиясига бевосита тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 12-13-бандларида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаса, ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

16. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар туман комиссиясига почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 12-13-бандларида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, туман комиссияси уч иш куни мобайнида субсидия олувчига ҳужжатларни тегишли жавоб хати билан қайтаради.

17. Субсидия олувчининг аризаси ушбу Низомнинг 12-13-бандларида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганда туман комиссияси томонидан уч иш кунида кўриб чиқилади.

Туман комиссияси аризани кўриб чиқиб ушбу Низомга 2 ва 2.1-иловаларидаги шаклга мувофиқ уч нусхада субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилади.

Туман комиссияси субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилган куни бу ҳақида субсидия тўғрисида хабардор қилади.

Агарда субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинган тақдирда, субсидия олувчи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, субсидия олиш учун туман комиссиясига ариза билан қайта мурожаат қилса, аризалар туман комиссияси томонидан уч иш кунида кўриб чиқилади.

Субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинганда, хулосанинг биринчи нусхаси мурожаат эгасида ва иккинчи нусхаси туман комиссиясида сақланади.

Субсидия ажратиш тўғрисида хулоса қабул қилинганда хулосанинг бир нусхаси мурожаат эгасида, иккинчи нусхаси туман комиссиясида ва учинчи нусхаси Агентликда сақланади.

18. Туман комиссияси субсидия олувчилар томонидан тақдим этилган ариза нусхасини унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия бериш тўғрисидаги хулосани бир иш кунида вилоят комиссиясига юборади.

19. Вилоят комиссияси туман комиссияси томонидан тақдим этилган субсидия олувчининг ҳужжатларини кўриб чиқади ва субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ариза нусхасини унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия бериш тўғрисидаги хулосани икки иш кунида Агентликка юборади.

20. Субсидия олувчининг аризасини кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

21. Субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

субсидия олувчи ушбу Низомнинг 10 ва 11-бандларида белгиланган шартларга мос келмаса;

субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда туман (шаҳар) комиссияси томонидан ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

Ушбу бандда қайд этилганидан бошқа ҳолатлардан ташқари субсидия олувчига субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Субсидия олувчи субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

23. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо бўлган балиқчилик хўжаликлари томонидан интенсив усулда етиштирилган балиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган наслдор она балиқ учун давлат томонидан субсидиялар бериш ушбу Низомга 3-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

## 5-боб. Субсидияни ажратиш тартиби

24. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг ажратиладиган субсидиялар учун зарур маблағларни белгиланган тартибда Агентликда очиладиган махсус шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби Агентликда очиладиган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

25. Агентлик, вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва икки иш кунида субсидия олувчиларнинг тижорат банкларидаги асосий ҳисобварағларига субсидия маблағларини ўтказиб беради.

Бунда, молия йили якуни бўйича Агентликнинг шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

